



Милодий IV аср бошида Хоразмда хукмронлик килган хоразмшоҳ, афригийлар сулоласи асосчиси. Қадимги Хоразмдаги кўплаб қалъаларнинг бунёд этилиши Аффриг номи билан боғлиқ. 305-йилда хоразмшоҳ Аффриг ўз қароргоҳини Кат шаҳрига кўчиради. Кат қайта тикланиб, Ал-Фир қалъаси ичида шоҳ ўзига янги сарой қурдиради. Худди шу вақтдан бошлаб Хоразмнинг Афригий шохлари бетига шоҳ ва орқасига суворий тасвирлари туширилган қумуш тангалар зарб этиб, мамлакатнинг ички ва ташқи савдо муносабатларида мустиқил бўлиб оладилар.